САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ ҲАКИМ НЕМАТОВИЧ

КАСР ТАРТИБЛИ БОШҚАРИЛУВЧИ ТИЗИМЛАРДА ҚУВИШ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

УДК: 517.977

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ ҲАКИМ НЕМАТОВИЧ

КАСР ТАРТИБЛИ БОШҚАРИЛУВЧИ ТИЗИМЛАРДА ҚУВИШ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/FM334 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бегматов Акрам Хасанович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Тухтасинов Мўминжон физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» ______________ куни тарқатилди.
(2019 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

А.Б. Хасанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мураккаб системаларни бошқаришда Л.С. Понтрягин ва Н.Ю. Сатимов усулларини татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Кўплаб техник жараёнларни бошқариш давомида қарама-қарши мақсадли турли томонлар иштирок этиши мумкин. Натижада, математиканинг янги соҳаси, яъни динамик ўйинлар назарияси дунёга келган. Бугунги кундаги зиддиятли бозор иқтисодиёти шароитида бу назариялар кўплаб иқтисодий ва техник масалаларни ҳал қилишда ўзининг муҳим ўрнини эгалламоқда. Шунинг учун ҳам каср тартибли бошқарилувчи тизимларда дифференциал ўйинлар назариясига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жахонда бошқарув жараёнларининг математик усуллар назариясининг бевосита ривожи бўлган дифференциал ўйинлар назариясини, динамиклик, бошқарувчанлик, қарши таъсир, ахборотнинг зарурийлиги, оптималлик каби бир қатор муҳим хусусиятларни ўзида мужассам қилган техник, иқтисодий, ҳарбий, сиёсий жараёнларининг мураккаб математик моделларини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада каср тарибли дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи бошқариладиган жараёнларда маълум шартларда қувишни тугатиш имконияти учун етарли шартларни топиш, каср тартибли дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи бошқариладиган ажралган ва ажралмаган динамикали жараёнларда маълум вақт оралиғида қувишни тугатишнинг такомиллашган усулларини топиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган дифференциал тенгламаларнинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, каср тартибли бошқарилувчи тизимларда қувиш дифференциал ўйинларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бошқарилувчи тизимларда қувиш дифференциал ўйинларга геометрик чегараланишлар қўйилганда қувишни тугатишга оид салмоқли натижаларга эришилган. «Математика, физика, амалий математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари» этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда каср тартибли дифференциал ўйинлар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17-февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18-майдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 292-сонли қарори.

ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Каср тартибли бошқарилувчи динамик тизимлар тадқиқоти сўнги йилларда жадал ривожланмоқда. Ушбу йўналишларга қизиқишнинг ортиб бориши иккита асосий омил билан боғлиқ. Биринчидан, ўтган асрнинг ярмига келиб каср тартибли интеграл-дифференциал ҳисоб ва каср тартибли дифференциал тенгламалар назариясининг математик асоси тўлиқ ишлаб чиқилди. Шу даврда амалий масалаларда касрли ҳисобни қўллаш методологиясига асос солинди, каср тартибли интеграллар ва ҳосилаларни ҳисоблашнинг сонли усуллари ривожлана бошлади. Иккинчидан, бу вақтга келиб фундаментал ва амалий физикада қатор реал тизимлар ва жараёнларни адекват ифодалаш учун касрли ҳисоб аппаратини қўллаш заруриятини туғдирувчи катта хажмдаги натижалар йиғилиб қолган эди. Бу йўналишда A.A.Kilbas, H.M.Srivastava, J.J. Trujillo, R.P. Agarawal, Д.К.Дурдиев, R.Caponetto, S. Manabe, М.Ш.Маматов, И.И.Матичин, F. Mainardi, V.Lakshmikantham, S.Leela, D.J. Vasundhara, Н.Н. Петров, А.А.Чикрий, С.Д.Эйдельманларнинг ишларида муҳим натижаларга эришилган.

Бу йўналишда амалга оширилган ишларга мисол қилиб А.А.Чикрий, И.И. Матичин ва С.Д.Эйдельманларнинг ҳал этувчи функциялар ёрдамида каср тартибли можароли бошқариладиган жараёнларни ўрганишга бағишланган ишларини келтириш мумкин. Бу ишларда таърифланган ўйин масаласини ечиш учун ҳал этувчи функциялар усули қўлланилади. Одатда бу усул квазистратегия синфида қувиш жараёнини амалга ошириш имконини беради. Лекин ушбу иш натижаларини қўллаш кўрсатилган усулда касрли бошқариш ёрдамида қувишни тугатишнинг етарли шартларига эга бўлиш имконини беради холос.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади ажралган ва ажралмаган динамикали каср тартибли дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи можароли ҳолатларда қувишни тугатишни янги усулларини топишдан иборат .

Тадқиқотнинг вазифалари:

ихтиёрий тартибли каср ҳосилали чизиқли можароли бошқарилувчи жараёнларни ечиш учун янги усуллар ишлаб чиқиш;

ўйинчиларнинг фиксирланган бошқарувларида Миттаг-Лефлернинг умумлаштирилган матрицали функцияларидан фойдаланиб масала қўйиш, Коши формуласининг аналоги кўринишидаги ечимларни қўллаб ўйинни тугатиш мумкин эканлигини исботлаш;

ажралган ва ажралмаган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда бошқарувларга геометрик чегараланишлар қўйилганда осон текшириладиган етарли шартлар олиш;

ажралган динамикали ихтиёрий каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда бошқарувларга геометрик чегаралашлар қўйилганда Л.С. Понтрягиннинг биринчи ва иккинчи усуллари, Н.Ю. Сатимовнинг учинчи усули кўринишидаги усулни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу усуллар ёрдамида қаралаётган ўйинда маълум вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин эканлигини исботлаш;

ажралмаган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинлар учун бошқарувларга геометрик чегаралашлар қўйилганда Л.С. Понтрягиннинг биринчи ва иккинчи усуллари, Н.Ю. Сатимовнинг учинчи усули кўринишидаги усулларни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу усуллар ёрдамида қаралаётган ўйинда маълум вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин эканлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти каср тартибли ажралган ва ажралмаган дифференциал тенгламалар билан ифодаланадиган дифференциал ўйинлар.

Тадқиқотнинг предмети каср тартибли дифференциал тенгламалар системаси ёрдамида ифодаланувчи жараёнларда содир бўладиган можароли ҳолатларда қувиш масалаларига оид тадқиқотлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Дифференциал ўйинларда Л.С.Понтрягиннинг қувиш усуллари ва Н.Ю.Сатимов усули, ҳал этувчи функциялар усули, оптимал башқарув назарияси, функционал анализ, дифференциал тенгламалар назарияси, кўп қийматли акслантиришлар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ихтиёрий тартибли каср ҳосилали чизиқли можароли бошқарилувчи жараёнларни ечиш учун янги усуллар ишлаб чиқилган;

ўйинчиларнинг фиксирланган бошқарувида Миттаг-Лефлернинг умумлаштирилган матрицали функцияларидан фойдаланиб масала қўйилган, Коши формуласининг аналоги кўринишидаги ечимларни қўллаб ўйинни тугатиш мумкин эканлиги исботланган;

ажралган ва ажралмаган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда бошқарувларга геометрик чегараланишлар қўйилганда осон текшириладиган етарли шартлар топилган;

ажралган динамикали ихтиёрий каср тартибли тенгламалр билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда бошқарувларга геометрик чегаралашлар қўйилганда Л.С. Понтрягиннинг биринчи ва иккинчи усуллари, Н.Ю. Сатимовнинг учинчи усули кўринишидаги усуллар ишлаб чиқилган ҳамда ушбу усуллар ёрдамида қаралаётган ўйинда маълум вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкинлиги исботланган;

ажралмаган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинлар учун бошқарувларга геометрик чегаралашлар қўйилганда Л.С. Понтрягиннинг биринчи ва иккинчи усуллари, Н.Ю. Сатимовнинг учинчи усули кўринишидаги усуллар ишлаб чиқилган ҳамда ушбу усуллар ёрдамида қаралаётган ўйинда маълум вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари дифференциал ўйинлар назарияси асосларини реал жараёнларга мутаносиб равишда ривожлантирган ҳолда можароли бошқарувли техник ва иқтисодий жараёнлар масалаларининг математик моделлари таҳлил этилган ва такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар дифференциал ўйинлар назариясининг қувиш масаласидаги қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошқарувларга геометрик чегараланишлар қўйилганда каср тартибли дифференциал ўйинларда қувишни тугатишнинг такомиллашган ечиш усулларини топиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳолатларда содир бўладиган бошқариладиган жараёнларнинг математик назариясининг амалий масалаларини ечишда, физикада ва каср тартибли дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи тизимлар учун автоматик бошқарув технологиясига тадқиқ қилиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Каср тартибли бошқарилувчи тизимларда қувиш дифференциал ўйинларга оид олинган илмий натижалар асосида:

каср тартибли дифференциал тенгламалар учун қўйилган масалаларни ечиш усулларига оид натижалар АААА-А19-119032590069-3 рақамли «Математическое моделирование и численное решение задач механики сплошной среды и тепломассообмена в геофизических и инженерных задачах» лойиҳасида кучсиз сингуляр ядроли интеграл оператор қатнашган ёпишқоқ-эластиклик тенгламалар учун бошланғич, бошланғич чегаравий масалаларни ечишда фойдаланилган (Россия Фанлар академияси Владикавказ илмий маркази Жанубий математика институтининг 2019 йил 16 июлдаги 49-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қаралаётган масалаларнинг ечимлари мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш имконини берган;

ажралмаган ва ажралган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда Л.С. Понтрягиннинг биринчи ва иккинчи усуллари, Н.Ю. Сатимовнинг учинчи усули аналоглари учун қувиш масаласини берилган бошланғич нуқтадан маълум вақт оралиғида тугатишга оид натижалар Ф-4-02 рақамли «Разработка новых методов решения задача математической физики и оптимального управления на основе спектральной теории дифференциальных операторов» лойиҳасида ночизиқли бошқарилувчи қувиш дифференциал ўйинлар назариясига қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 октябрдаги 89-03-3746-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ночизиқли бошқарилувчи қувиш дифференциал ўйинларни ечишнинг янги усулларини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 5 таси хорижий ва 8 таси республика миқёсидаги журналларида ҳамда 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 96 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Касрли интегралли-дифференциал ҳисоб ва унинг бошқарилувчи тизимлар назариясига татбиқи»** деб номланувчи биринчи бобида касрли интегралли-дифференциал ҳисоб ва унинг бошқарилувчи тизимлар назариясига татбиқлари қаралади. Каср тартибли дифференциал тенгламалар, динамик тизимлар, бошқариладиган тизимлар назарияси, каср тартибли дифференциал тенгламалар орқали ифодаланадиган оптимал бошқарув ва дифференциал ўйинлар назариясининг ҳолати ва ривожланишининг тенденциялари таҳлил қилинган. Каср тартибли дифференциал тенгламалар билан ифодаланувчи динамик тизимлар ва бошқариладиган жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тизимлаштирилган. Каср тартибли дифференциал ўйинлар ва бошқариладиган жараёнлар назариясининг асосий натижалари келтирилган. Ушбу боб тадқиқотнинг асосий концепциясини шакллантиришга йўналтирилган.

Диссертациянинг **«Ажралмаган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинлар»** деб номланувчи иккинчи бобида ажралмаган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда қувиш масаласи ўрганилади.

Каср тартибли дифференциал ўйинларда Л.С.Понтрягиннинг биринчи усули.

R^m чекли ўлчовли Евклид фазосида объектларнинг харакати қуйидаги каср тартибли дифференциал тенглама орқали ифодалансин

$$D^{\alpha} z = Az + u - \upsilon + f(t), \tag{1}$$

бунда $z \in R^m$, $m \geq 1$; D^{α} – каср дифференциаллаш оператори, $\alpha \in (0,1]$, $t \in [0,T]$, $A - m \times m$, тартибли ўзгармас матрица, $u, \upsilon -$ бошқарилувчи параметрлар, $u -$ қувувчи ўйинчининг бошқарув параметри, $u \in P \subset R^m$, $\upsilon -$ қочаётган ўйинчининг бошқарув параметри, $\upsilon \in Q \subset R^m$, P ва $Q -$ компакт тўпламлар, $f(t) -$ маълум, ўлчовли вектор функция. Каср ҳосилани Капутонинг чап томонли касрли ҳосиласи деб тушунамиз.

$z(t) \in AC^{[\alpha]+1}(a,b)$, $a,b \in R^1$ функциядан Капутонинг ихтиёрий бутун бўлмаган $\alpha > 0$ тартибли ҳосиласи

$$D^{\alpha} z(t) = \frac{1}{\Gamma(1-\{\alpha\})} \int_0^t \frac{d^{[\alpha]+1} z(\xi)}{d\xi^{[\alpha]+1}} \frac{d\xi}{(t-\xi)^{\{\alpha\}}}$$

тенглик орқали ифодаланади.

Бундан ташқари $M - R^m$ фазодаги бўш бўлмаган терминал тўплам берилган бўлсин. Қувувчи ўйинчининг мақсади z ни M тўпламга туширишдан иборат, қочувчи ўйинчи унга халақит беришга интилади.

Шундай қилиб можароли бошқарилувчи (1) тизим троекториясини берилган z_0 дастлабки ҳолатдан чекли вақт ичида M терминал тўпламга тушириш ҳақидаги қувиш масаласи қаралмоқда.

1-таъриф. Агар (1) дифференциал ўйинда ихтиёрий $\upsilon(t)$, $\upsilon(t) \in Q$, $0 \leq t \leq T$ ўлчовли функцияларда шундай $u(t) = u(z_0, \upsilon(t)) \in P$, $t \in [0,T]$ ўлчовли функция қуриш мумкин бўлсаки, улар учун

$$D^{\alpha} z = Az + u(t) - \upsilon(t) + f(t), \qquad z(0) = z_0,$$

тенгламанинг $z = z(t)$ ечими $t = T$ моментда M тўпламга тегишли бўлса, z_0 дастлабки ҳолатдан $T = T(z_0)$ вақт ичида қувишни тугатиш мумкин дейилади.

$X+Y$ ва $X \overset{*}{-} Y$ орқали X,Y тўпламларнинг мос равишда алгебраик йиғиндиси ва геометрик айирмасини белгилаймиз.

$e_\alpha^{At} = t^{\alpha-1}\sum_{k=0}^{\infty} A^k \dfrac{t^{\alpha k}}{\Gamma((k+1)\alpha)}$ – матрицали α – экспонента бўлсин ва $r \geq 0$ лар учун

$$\hat{u}(r) = e_\alpha^{Ar}P, \qquad \hat{\upsilon}(r) = e_\alpha^{Ar}Q, \qquad \hat{w}(r) = \hat{u}(r) \overset{*}{-} \hat{\upsilon}(r),$$

$$W(\tau) = \int_0^\tau \hat{w}(r)dr, \quad \tau > 0, \quad W_1(\tau) = -M + W(\tau)$$

бўлсин.

1-теорема. Агар (1) ўйинда бирор $\tau = \tau_1$ да

$$-z_0 - \int_0^\tau e_\alpha^{A(\tau-r)}[Az_0 + f(r)]dr \in W_1(\tau),$$

тегишлилик бажарилса, z_0 дастлабки ҳолатдан $T_1(z_0) = \tau_1$ вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин.

Каср тартибли дифференциал ўйинларда Л.С.Понтрягиннинг иккинчи усули.

Энди $\omega - [0,\tau]$ кесманинг ихтиёрий ажратилиши $\omega = \{0 = t_0 < t_1 < ... < t_k = \tau\}$, $i = 1,2,..,k$ учун $A_0 = -M$, ва

$$A_i(M,t_i) = \left(A_{i-1}(M,t_{i-1}) + \int_{t_{i-1}}^{t_i} e_\alpha^{A(\tau_2-r)}Pdr \right) \overset{*}{-} \int_{t_{i-1}}^{t_i} e_\alpha^{A(\tau_2-r)}Qdr, \quad i = 1,2,...,k.$$

$$W_2(\tau) = \bigcap_\omega A_k(M,\tau),$$

бўлсин.

2-теорема. Агар (1) ўйинда бирор $\tau = \tau_2$ да

$$-z_0 - \int_0^\tau e_\alpha^{A(\tau-r)}[Az_0 + f(r)]dr \in W_2(\tau)$$

тегишлилик бажарилса, z_0 дастлабки ҳолатдан $T_2(z_0) = \tau_2$ вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин.

Каср тартибли дифференциал ўйинларда Н.Ю.Сатимов усули.

$\hat{w}(r,\tau)$ орқали барча $r \geq 0$, $\tau > 0$ ларда аниқланган $\left[-\frac{1}{\tau}M + \hat{u}(r)\right] \overset{*}{-} \hat{\upsilon}(r)$ тўпламни белгилаймиз. Қуйидаги

$$W_3(\tau) = \int_0^\tau \hat{w}(r,\tau)dr.$$

интегрални қарайлик.

3-теорема. Агар (1) ўйинда бирор $\tau = \tau_3$ да

$$-z_0-\int_0^{\tau} e_\alpha^{A(\tau-r)}\left[Az_0+f(r)\right]dr \in W_3(\tau),$$

тегишлилик бажарилса, z_0 дастлабки ҳолатдан $T_3(z_0)=\tau_3$ вақт ичида қувишни тугатиш мумкин.

Каср тартибли чизиқли тизимларда дифференциал ўйиннинг умумлаштириб қаралиши.

Дифференциал ўйин

$$D^\alpha z = Az + u - \upsilon, \quad z \in R^m, \tag{2}$$

тенглама билан ифодаланган бўлсин, бунда $D^\alpha - \alpha,\ n-1<\alpha\le n,\ n\in N$ тартибли каср дифференциаллаш оператори $t\in[0,T]$, $A-m\times m$ тартибли ўзгармас матрица, $u,\upsilon-$бошқарилувчи параметрлар, $u-$қувувчи ўйинчининг бошқарув параметри, $u\in P\subset R^m$, $\upsilon-$қочувчи ўйинчининг бошқарув параметри, $\upsilon\in Q\subset R^m$, P ва Q компактлар. Каср ҳосилани Капуто маъносида тушунамиз.

Агар $z\in M$ шарт бажарилса, ўйин тугатилган ҳисобланади. Қуваётган ўйинчининг мақсади z ни M тўпламга туширишдан иборат, қочаётган ўйинчи унга халақит беришга интилади.

2-таъриф. Агар (2) дифференциал ўйин ихтиёрий $\upsilon=\upsilon(t)$, $0\le t\le T$, $\upsilon\in Q$, ўлчовли функцияларда шундай $u(t)=u(z^0,t,\upsilon(t))\in P$, $t\in[0,T]$, ўлчовли функция қуриш мумкин бўлсаки, улар учун

$$D^\alpha z = Az + u(t)-\upsilon(t), \quad z\in R^m,\ n-1<\alpha\le n, \quad z(0)=z^0, \tag{3}$$

тенгламанинг ечими $t=T$ моментда M тўпламга тегишли бўлса, $z^0=\left(z_0^0,z_1^0,z_2^0,z_3^0,...,z_{n-1}^0\right)$ дастлабки ҳолатдан $T=T(z^0)$ вақт ичида қувишни тугатиш мумкин дейилади.

$E_\eta(G;\mu)=\sum_{k=0}^{\infty}\frac{G^k}{\Gamma\left(k\eta^{-1}+\mu\right)}$ $-$Миттаг-Лефлернинг умумлаштирилган матрицали функцияси бўлсин, бунда $\eta>0,\ \mu\in C$ ($C-$комплекс сонлар тўплами), $G-$ихтиёрий m тартибли квадрат матрица.

(2) динамик тизимни

$$z^{(k)}(0)=z_k^0, \quad k=0,1,...,n-1. \tag{4}$$

бошланғич шарт остида қараймиз.

(3) тенгламанинг (4) бошланғич шарт остидаги ечими қуйидаги кўринишга эга:

$$z(t)=\sum_{k=0}^{n-1}t^k E_{\frac{1}{\alpha}}\left(At^\alpha;k+1\right)z_k^0+\int_0^t (t-r)^{\alpha-1}E_{\frac{1}{\alpha}}\left(A(t-r)^\alpha;\alpha\right)\left[u(r)-\upsilon(r)\right]dr.$$

Энди $r\ge 0$ учун қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$\hat{u}(r)=r^{\alpha-1}E_{\frac{1}{\alpha}}\left(Ar^\alpha;\alpha\right)P,\ \ \hat{\upsilon}(r)=r^{\alpha-1}E_{\frac{1}{\alpha}}\left(Ar^\alpha;\alpha\right)Q,\ \ \hat{w}(r)=\hat{u}(r)\overset{*}{-}\hat{\upsilon}(r);$$

$$W(\tau)=\int_0^\tau \hat{w}(r)dr, \quad \tau>0, \quad W_1(\tau)=-M+W(\tau).$$

Қулайлик учун $h_z\left(z^0,\tau\right)=\sum_{k=0}^{n-1}\tau^k E_{\frac{1}{\alpha}}\left(A\tau^\alpha;k+1\right)z_k^0$ белгилашни киритамиз.

4-теорема. Агар (2) ўйинда бирор $\tau=\tau_1$ да

$$-h_z\left(z^0,\tau\right)\in W_1(\tau),$$

тегишлилик бажарилса, z^0 дастлабки ҳолатдан $T_1\left(z^0\right)=\tau_1$ вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин.

Энди $\omega-[0,\tau]$ кесманинг ихтиёрий ажратилиши $\omega=\{0=t_0<t_1<...<t_p=\tau\}$, $i=1,2,..,p$ учун $A_0=-M$, ва

$$A_i(M,t_i)=\left(A_{i-1}(M,t_{i-1})+\int_{t_{i-1}}^{t_i}(\tau-r)^{\alpha-1}E_{\frac{1}{\alpha}}\left(A(\tau-r)^\alpha;\alpha\right)Pdr\right)\overset{*}{-}\int_{t_{i-1}}^{t_i}(\tau-r)^{\alpha-1}E_{\frac{1}{\alpha}}\left(A(\tau-r)^\alpha;\alpha\right)Qdr,\ \ i=1,2,...,p,$$

$$W_2(\tau)=\bigcap_{\omega}A_k(M,\tau),$$

бўлсин.

5-теорема. Агар (2) ўйинда бирор $\tau=\tau_2$ да

$$-h_z\left(z^0,\tau\right)\in W_2(\tau),$$

тегишлилик бажарилса, z^0 дастлабки ҳолатдан $T_2\left(z_0\right)=\tau_2$ вақт орлиғида қувишни тугатиш мумкин.

Барча $r\geq 0,\ \tau>0$ ларда аниқланган $\left[-\frac{1}{\tau}M+\hat{u}(r)\right]\overset{*}{-}\hat{\upsilon}(r)$ тўпламни $\hat{w}(r,\tau)$ орқали белгилаймиз ва

$$W_3(\tau)=\int_0^\tau \hat{w}(r,\tau)dr$$

интегрални қараймиз.

6-теорема. Агар (2) ўйинда бирор $\tau=\tau_3$ да

$$-h_z\left(z^0,\tau\right)\in W_3(\tau)$$

тегишлилик бажарилса, z^0 дастлабки ҳолатдан $T_3\left(z_0\right)=\tau_3$ вақт ичида қувишни тугатиш мумкин.

Диссертациянинг **«Ажралган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинлар»** деб номланувчи учинчи бобида ажралган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда қувиш масаласи ўрганилган.

Қувувчи деб номланадиган биринчи ўйинчининг ҳаракати

$$D^\alpha x=Ax+u,\ \ x\in R^m, \tag{5}$$

тенлама билан ифодалансин, бунда $D^\alpha-\alpha$ тартибли дифференциаллаш оператори, $n_1-1<\alpha\leq n_1,\ n_1\in N,\ t\in[0,T]$, $A-m\times m$ тартибли ўзгармас матрица.

Қочувчи деб номланувчи иккинчи ўйинчининг ҳаракати

$$D^\beta y=By+\upsilon,\ \ y\in R^m, \tag{6}$$

тенглама билан берилган, бунда $D^\beta-\beta$ тартибли дифференциаллаш оператори, $n_2-1<\beta\leq n_2,\ n_2\in N,\ t\in[0,T]$, $B-m\times m$ тартибли ўзгармас матрица,

$u, \upsilon -$бошқарув параметрлари, $u -$қувувчи ўйинчининг бошқарув параметри $u \in P \subset R^m$, $\upsilon -$қочувчи ўйинчининг бошқарув параметри $\upsilon \in Q \subset R^m$, P ва $Q -$компактлар. Касрли ҳосилани Капуто маъносида тушунамиз.

Агар (5),(6) дифференциал ўйинларда $x - y \in M$ шарт бажарилса, ўйин тугалланган ҳисобланади. Қувувчи ўйинчининг мақсади $x - y$ ни M тўпламга туширишдан иборат, қочувчи ўйинчи унга халақит беришга интилади.

3-таъриф. Агар (5),(6) дифференциал ўйинда ихтиёрий $\upsilon(t),\ \upsilon(t) \in Q,\ 0 \le t \le T,$ ўлчовли функция учун шундай $u(t) = u(x_0, y_0, t, \upsilon(t)) \in P,\ t \in [0, T]$ ўлчовли функция қуриш мумкин бўлсаки, уларга мос

$$D^\alpha x = Ax + u(t),\ x \in R^m,\ n_1 - 1 < \alpha \le n_1,\ \ x(0) = x^0, \tag{7}$$

$$D^\beta y = By + \upsilon(t),\ y \in R^m,\ n_2 - 1 < \beta \le n_2,\ \ y(0) = y^0, \tag{8}$$

тенгламаларнинг ечимлари учун $x(t_1) - y(t_1) \in M$ шарт бажарилса, $x^0 = \left(x_0^0, x_1^0, x_2^0, x_3^0, ..., x_{n_1-1}^0\right)$, $y^0 = \left(y_0^0, y_1^0, y_2^0, y_3^0, ..., y_{n_2-1}^0\right)$, бошланғич ҳолатдан $T = T\left(x^0, y^0\right)$ вақт ичида ўйинни тугатиш мумкин дейилади.

Қуйидаги

$$x^{(k)}(0) = x_k^0,\ \ k = 0,1,..., n_1 - 1,\ \ y^{(l)}(0) = y_l^0,\ \ l = 0,1,..., n_2 - 1, \tag{9}$$

бошланғич шартли, (5),(6) динамикали тизимни қараймиз, у ҳолда (7),(8) тенгламалар ечимлари (9) бошланғич шарт билан

$$x(t) = \sum_{k=0}^{n_1-1} t^k E_{\frac{1}{\alpha}}\left(At^\alpha; k+1\right)x_k^0 + \int_0^t (t-r)^{\alpha-1} E_{\frac{1}{\alpha}}\left(A(t-r)^\alpha; \alpha\right) u(r)dr,$$

$$y(t) = \sum_{l=0}^{n_2-1} t^l E_{\frac{1}{\beta}}\left(Bt^\beta; l+1\right)y_l^0 + \int_0^t (t-r)^{\beta-1} E_{\frac{1}{\beta}}\left(B(t-r)^\beta; \beta\right) \upsilon(r)dr.$$

кўринишга эга бўлади.

Энди $r \ge 0,$ учун $\hat{u}(r) = r^{\alpha-1}E_{\frac{1}{\alpha}}\left(Ar^\alpha; \alpha\right)P,$ $\hat{\upsilon}(r) = r^{\beta-1}E_{\frac{1}{\beta}}\left(Br^\beta; \beta\right)Q,$ $\hat{w}(r) = \hat{u}(r) \overset{*}{-} \hat{\upsilon}(r)$ ларни ва уларга кўра

$$W(\tau) = \int_0^\tau \hat{w}(r)dr,\ \tau > 0,\ \ W_1(\tau) = -M + W(\tau),$$

интегрални аниқлаймиз.

Қулайлик учун қуйидаги белгилашларни киритамиз $h_x\left(x^0, \tau\right) = \sum_{k=0}^{n_1-1} \tau^k E_{\frac{1}{\alpha}}\left(A\tau^\alpha; k+1\right)x_k^0,\ \ h_y\left(y^0, \tau\right) = \sum_{l=0}^{n_2-1} \tau^l E_{\frac{1}{\beta}}\left(B\tau^\beta; l+1\right)y_l^0.$

7-теорема. Агар (5),(6) ўйинда бирор $\tau = \tau_1$ вақтда

$$-h_x\left(x^0, \tau\right) + h_y\left(y^0, \tau\right) \in W_1(\tau)$$

тегишлилик бажарилса, x^0, y^0 бошланғич ҳолатдан $T_1\left(x^0, y^0\right) = \tau_1$ вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин.

Энди $\omega-[0,\tau]$ кесманинг ихтиёрий ажратилиши $\omega=\{0=t_0<t_1<...<t_p=\tau\}$, $i=1,2,...,p,$ бўлсин ва $A_0=-M$

$$A_i(M,t_i)=(A_{i-1}(M,t_{i-1})+\int_{t_{i-1}}^{t_i}(\tau-r)^{\alpha-1}E_{\frac{1}{\alpha}}(A(\tau-r)^{\alpha};\alpha)Pdr)\overset{*}{-}$$

$$\int_{t_{i-1}}^{t_i}(\tau-r)^{\beta-1}E_{\frac{1}{\beta}}(B(\tau-r)^{\beta};\beta)Qdr,\ i=1,2,...,p,$$

$$W_2(\tau)=\bigcap_{\omega}A_k(M,\tau),$$

бўлсин.

8-теорема. Агар (5), (6) ўйинда бирор $\tau=\tau_2$ вақтда

$$-h_x(x^0,\tau)+h_y(y^0,\tau)\in W_2(\tau)$$

тегишлилик бажарилса, x^0,y^0 дастлабки ҳолатдан $T_2(x^0,y^0)=\tau_2$ вақт ичида қувишни тугатиш мумкин.

Энди $\hat{w}(r,\tau)$ орқали барча $r\geq 0,\ \tau>0$ ларда аниқланган $\left[-\frac{1}{\tau}M+\hat{u}(r)\right]\overset{*}{-}\hat{\upsilon}(r)$ тўпламни белгилаймиз ва

$$W_3(\tau)=\int_0^{\tau}\hat{w}(r,\tau)dr.$$

интегрални қараймиз.

9-теорема. Агар (5),(6) ўйинда бирор $\tau=\tau_3$ да

$$-h_x(x^0,\tau)+h_y(y^0,\tau)\in W_3(\tau)$$

тегишлилик бажарилса, x^0,y^0 дастлабки ҳолатдан $T_3(x^0,y^0)=\tau_3$ вақт ичида қувишни тугатиш мумкин.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация иши каср тартибли бошкарилувчи тизимларда қувиш дифференциал ўйинларни тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг олинган асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Ихтиёрий тартибли каср ҳосилали чизиқли можароли бошқарилувчи жараёнларни ечиш учун янги усуллар ишлаб чиқилган.

2. Ўйинчиларнинг фиксирланган бошқарувида Миттаг-Лефлернинг умумлаштирилган матрицали функцияларидан фойдаланиб масала қўйилган, Коши формуласининг аналоги кўринишидаги ечимларни қўллаб ўйинни тугатиш мумкин эканлиги исботланган.

3. Ажралган ва ажралмаган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда бошқарувларга геометрик чегараланишлар қўйилганда осон текшириладиган етарли шартлар олинган.

4. Ажралган динамикали ихтиёрий каср тартибли тенгламалр билан ифодаланувчи дифференциал ўйинларда бошқарувларга геометрик чегаралашлар қўйилганда Л.С. Понтрягиннинг биринчи ва иккинчи усуллари,

Н.Ю. Сатимовнинг учинчи усули кўринишидаги усуллар ишлаб чиқилган ҳамда ушбу усуллар ёрдамида қаралаётган ўйинда маълум вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин эканлиги исботланган.

5. Ажралмаган динамикали каср тартибли тенгламалар билан ифодаланувчи дифференциал ўйинлар учун бошқарувларга геометрик чегаралашлар қўйилганда Л.С. Понтрягиннинг биринчи ва иккинчи усуллари, Н.Ю. Сатимовнинг учинчи усули кўринишидаги усуллар ишлаб чиқилган ҳамда ушбу усуллар ёрдамида қаралаётган ўйинда маълум вақт оралиғида қувишни тугатиш мумкин эканлиги исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.FM.02.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЛИМОВ ХАКИМ НЕМАТОВИЧ

К ТЕОРИИ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ ИГР ПРЕСЛЕДОВАНИЯ В УПРАВЛЯЕМЫХ СИСТЕМАХ ДРОБНОГО ПОРЯДКА

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/FM334.

Диссертация выполнена в Джиззакском госедарственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Дурдиев Дурдимурод Каландарович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Бегматов Акрам Хасанович** доктор физико-математических наук, профессор
	Тухтасинов Муминжон доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» _____________2019 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866)231-06-32, факс: (99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866)231-06-32, факс: (99866) 235-19-38).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2019 года.
(протокол рассылки №_______ от «____» _______________2019 года).

А.С. Солеев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

А.М. Халхужаев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

А.Б. Хасанов
Председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научно – прикладные исследования, проводимые на мировом уровне, показывают, что в управлении сложных систем применение методов Л.С. Понтрягина и Н.Ю. Сатимова имеет важное значение. В ходе управления многими техническими процессами могут участвовать разные стороны с противоположными целями. В результате, появилась новая область математики, т.е. теория динамических игр. В сегодняшней противоречивой рыночной экономике эти теории имеют важное значение в решении многих экономических и технических проблем. Поэтому развитие исследований по теории дифференциальных игр в управляемых системах дробного порядка остается важной задачей.

В настоящее время создание сложных математических моделей технологических, экономических, военных, политических процессов, которые содержат в себе такие свойства, как динамичность, управляемость, противодействие, необходимость информации, оптимальность в теории дифференциальных игр, которая является непосредственным развитием теории математических методов процессов управления, считается важной задачей. В связи с этим данная работа считается научным исследованием с целью нахождение достаточных условий для возможности завершения преследования в управляемых процессах, представленных дифференциальными уравнениями дробного порядка, а также найти усовершенствованные методы завершения преследования в определенный момент времени в управляемых разделённых и неразделённых динамических процессах, выраженных дифференциальными уравнениями дробного порядка.

В нашей стране особое внимание уделяется фундаментальным наукам, имеющим научное и практическое применение. В частности, большое внимание уделяется изучению дифференциальных игр с преследованиями в управляемых системах дробного порядка. При введении геометрических ограничений в управляемые системы на дифференциальных играх преследования были достигнуты значительные результаты. Научные исследования на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям математических наук были отмечены как важные задачи[1]. При реализации решения, важное значение имеет развитие теории дифференциальных игр дробного порядка.

Эта диссертация, в определённой степени служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно - исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года и так же в других нормативно – правовых актах, по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. В последние годы стремительно развиваются исследования динамических управляемых систем дробного порядка. Растущий интерес к этим областям обусловлен двумя основными факторами. Во-первых, к середине прошлого века была полностью разработана математическая основа интегрального и дифференциального исчисления дробного порядка и теория дифференциальных уравнений дробного порядка. В этот период была заложена методология использования дробных вычислений в прикладных задачах, и начали развиваться численные методы вычисления интегралов и производных дробного порядка. Во-вторых, к этому времени в фундаментальной и прикладной физике для адекватного представления ряда реальных систем и процессов появилось большое количество результатов, которые требуют необходимость использования аппарата дробного исчисления. В этом направлении значительные результаты были достигнуты в работах A.A.Kilbas, H.M.Srivastava, J.J. Trujillo, R.P. Agarawal, Д.К.Дурдиева, R.Caponetto, S. Manabe, М.Ш.Маматова, И.И.Матичин, F. Mainardi, V.Lakshmikantham, S.Leela, D.J. Vasundhara, Н.Н. Петрова, А.А.Чикрий, С.Д.Эдельмана.

В качестве примера работы, проделанной в этой области, можно привести работу А.А. Чикрий, И.И. Матичина и С.Д. Эдельмана по изучению дробных конфликтных процессов с использованием решающих функций. Для решения игровой задачи, описанной в этих работах, используется метод решающих функций. Обычно этот метод позволяет выполнить процесс преследования в классе квазистратегий. Однако применение результатов этой работы позволяет лишь в указанном методе с помощью дробного управления получить достаточные условия для прекращения преследования.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках плана научно – исследовательских работ Джизакского государственного педагогического института.

Целью исследования является поиск новых путей прекращения преследования в конфликтных ситуациях, выраженных дифференциальными уравнениями дробного порядка с разделенной и неразделенной динамикой.

Задачи исследования:

разработка новых методов разрешения управляемых линейных конфликтных ситуаций с производной произвольного дробного порядка;

постановка задачи, используя обобщенные матричные функции Миттаг-Лефлера в фиксированном управлении игроками, доказать, что можно завершить игру, используя решения в виде аналогии формулы Коши;

получение достаточных условий, которые легко проверятся при наложении геометрических ограничений на управления в дифференциальных играх, представленных уравнениями дробного порядка с разделенной и неразделенной динамикой;

разработка метода аналогичного первому и второму методу Л.С. Понтрягина, третьему методу Н.Ю. Сатимова при наложении геометрических ограничений на управление в дифференциальных играх, представленных уравнениями произвольного дробного порядка с разделённой динамикой, а также с помощью этого метода доказать, что в рассматриваемой игре в определенный промежуток времени можно прекратить преследование;

разработка метода аналогичного первому и второму методу Л.С. Понтрягина, третьему методу Н.Ю. Сатимова при наложении геометрических ограничений на управление в дифференциальных играх, представленных уравнениями дробного порядка с неразделённой динамикой, а также с помощью этого метода доказать, что в рассматриваемой игре в определенный промежуток времени можно прекратить преследование.

Объект исследования. Дифференциальные игры, представленные разделёнными и неразделенными дифференциальными уравнениями.

